



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

## БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

МАВЗУСИДА ВАЗИРЛИК МИ҆СИДАГИ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

### МАТЕРИАЛЛАРИ

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

БУХОРО-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

“БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИНИНГ  
УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ”

МАВЗУСИДА ВАЗИРЛИК МИҶЕСИДАГИ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

# МАТЕРИАЛЛАРИ

2020 йил 16-17 марта

БУХОРО - 2020

## **КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ДАСТУРИЙ ҚҮМИТАСИ**

- |               |  |
|---------------|--|
| О.Х.Хамидов   | – Бухоро давлат университети ректори, иктисод фанлари доктори, профессор, раис.              |
| О.С.Қаххоров  | – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.                                |
| Ў.У. Рашидов  | – молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо.  |
| К.Р.Тўқсонов  | – мактабгача ва бошлангич таълим факультети декани, аъзо.                                    |
| Ю.Ю.Азимов    | – мактабгача ва бошлангич таълим факультети ўкув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.       |
| Н.О. Сафарова | – мактабгача ва бошлангич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо. |
| А.Р.Ҳамроев   | – бошлангич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.  |
| Ю.А. Пулотова | – бошлангич таълим методикаси кафедраси ўқитувчisi, котиб.                                   |

## **КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚҮМИТАСИ**

- |                |  |
|----------------|--|
| О.С.Қаххоров   | – Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.     |
| К.Р.Тўқсонов   | – мактабгача ва бошлангич таълим факультети декани, раис муовини.                            |
| Г.Т. Зарипов   | – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо.   |
| Ю.Ю.Азимов     | – мактабгача ва бошлангич таълим факультети ўкув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.       |
| Н.О. Сафарова  | – мактабгача ва бошлангич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо. |
| А.Р.Ҳамроев    | – бошлангич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.  |
| Ф.М.Қосимов    | – бошлангич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.                                       |
| Ғ.М.Сайфуллаев | – бошлангич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.                                       |
| Н.Б.Адизова    | – бошлангич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчisi, аъзо.                              |
| Р.А.Қўлдошев   | – бошлангич таълим методикаси кафедраси ўқитувчisi, аъзо.                                    |
| Р.Х.Жумаев     | – бошлангич таълим методикаси кафедраси ўқитувчisi, аъзо.                                    |

Тўплам Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги “Вазирлик тизимидағи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасини тасдиқлаш тўгрисида” 116-сонли буйруғига ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 16 март куни Бухоро давлат университети Бошлангич таълим методикаси кафедрасида **“Бошлангич синф она тили таълимининг узвийлигини таъминлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш”** мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари асосида тузилди.

Тўпламга киритилган мақола ва тезислар мазмуни, илмийлиги ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

### **Масъул муҳаррир:**

А.Р.Ҳамроев, педагогика фанлари номзоди, доцент

### **Тақризчилар:**

Б.Р.Адизов, педагогика фанлари доктори, профессор  
Ю.Ю.Азимов, филология фанлари номзоди, доцент

## Мундарижа

<b>Хамидов О.Х.</b> Таълим ислоҳоти ва инновацион технологиялар	3
<b>Қаҳҳоров О.С.</b> Иқтисодий таълимнинг шахс камолотидаги ўрни	5
<b>I ШЎЙБА</b>	
<b>БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ</b>	
<b>Чориев Т.</b> Янги авлод она тили дарсларини яратишда замонавий талаблар	7
<b>Авезов С., Авезова З.</b> Бошлангич она тили дарсларида нутқий кўнимка ва малакаларни ривожлантириш воситалари	9
<b>Mahmudov M.H.</b> Boshlang'ich ta'limdi o'zlashtirish jarayonining didaktik asoslari	11
<b>Ҳамроев А.Р.</b> Она тили таълимини моделлаштиришнинг методик имкониятлари	13
<b>Азимов Ю. Ю., Юсуфзода Ш. Ю.</b> Болаларга компьютер ёрдамида математик каллиграфияни ўргатиш	18
<b>Ergasheva G.M., Sakibayeva T.I., Annageldiyeva D.I.</b> Boshlang'ich sinflarda она тили ta'limida multimedia vositalaridan foydalanish	22
<b>Бабаева Ш.Б.</b> Потребность в методике моделирования синтаксических понятий в преподавании родного языка	25
<b>Qo'ldoshev R. A.</b> Chapaqay o'quvchilarda yozuv ko'nikmalarini shakllantirish	28
<b>Saidmatanova M.</b> Ona tili darslari va qo'shimcha mashqlar	30
<b>Муллажанова М. А.</b> Повышение качества и эффективности использования некоторых видов инновационных технологий на уроках русского языка в начальной школе	32
<b>Toshboyeva M.</b> Yozuv darslarida mustaqil faoliyat turlari	35
<b>Yunusova Z.</b> Ona tili darslarida muammoli vaziyatlar metodi	37
<b>Баротова Н.</b> Бошлангич синф ўкувчиларида креатив ёндашув асосида ижодкорлик фаолияти сифат ва самарадорликни ривожлантириш	39
<b>Шарипова X.</b> Бошлангич синflарда ўқитишнинг илғор технологиялардан фойдаланишнинг педагогик асослари	42
<b>Egamova Z.</b> Boshlang'ich sinflarda son so'z turkumini o'rganishda ta'limiyl o'yinlardan foydalanish	45
<b>Садуллаева М. Г., Хабибуллаева М.</b> Формы и методы педагогического взаимодействия учителя с учащимися на уроках русского языка	48
<b>Хамдамова М.Б.</b> Модалликни ифодаловчи лексик бирликлар	52
<b>Qo'ldoshev R. A.</b> Maktab o'quvchilarining grafik va kalligrafik qobiliyatlarini shakllantirishning metodologik asoslari	54
<b>Ergasheva T.Sh.</b> Boshlangich ta'limdi interfaol usullardan foydalanish	57
<b>Abdurahmonova M., Sharipova N.</b> Til va nutq jarayonida uchraydigan muammolar va ularni oldini olish yo'llari	59
<b>Mirzoyeva G.T.</b> Boshlang'ich sinf ta'limida innovatsion texnologiyalardan foydalanish	62
<b>Qahhorova A.Sh.</b> Interfaol metodlarning boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijodiy fikrlashni shakllantirishdagi ahamiyati	64
<b>Kurbanova Sh. N., To'ymurodova N.</b> Boshlang'ich ta'limga axborot kommunikatsiya vositalarini joriy etishda o'qituvchi innovatorligi	67
<b>Ro'ziyeva G. R.</b> Boshlang'ich sinflarda akt vositalari bilan o'qitish orqali ta'lim samaradorligini oshirish	70

2. Ижодий машқлар. Бу машқлар ҳам ребус, кроссворд, чайнворд, бошқотирмалардан иборат бўлиб, болаларнинг нутқ малакаларини кенгайтириш ва тафаккурини кенгайтиришга қаратилган.

3. Грамматик машқлар. Бундай машқлар ҳам нутқ ва ижодий тафаккури учун замин тайёрлашга хизмат қилиб, уларнинг лугавий доирасини кенгайтириш ва нутқ жараёнида синтактик муносабатларини тўғри таркиб топтириш учун хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, янги авлод она тили дарсларини яратилаётгандан хорижий тажрибаларга таяниш, метод ва усулларидан фойдаланиш, буларнинг барчаси эса жамиятдаги кишилар билан ўзаро коммуникатив муносабатини таркиб топтириш, ундаги ўзгариш ва ахборотларни атрофлича хис қилиш, нутқ сифати ва самарадорлигига эришиш, креатив ижодкорликни тарбиялашдан иборатдир. Бунда хозирги замон педагогларнинг дарс жараёнига фаол муносабатда бўлиши, ҳар бир дарснинг самара ва натижасини тўғри белгилай олишига инновацион технологиянинг турли педагог методларини танлай олишига боғлиқ бўлади. Бу вазифалар билан бир қаторда танланадаётган ўқув материалларнинг миллий мазмун ва қадриятлардан касб этишига ҳам эътибор қаратилади.

## БОШЛАНГИЧ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НУТҚИЙ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТРИШ ВОСИТАЛАРИ

С. Авезов,  
филология фанлари номзоди, доцент

З. Авезова,  
Когон шаҳар I-сонли умумий ўрта  
мактаби тил ва адабиёт ўқитувчиси

Мақолада бошлангич она тили дарсларида нутқий кўникма ва малакаларни ривожлантишининг воситалари ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** нутқ, инсон, камолот, нотик, дарс, машқ.

В статье рассматриваются приемы для развития речевых навыков и умений в начальных классах.

**Ключевые слова:** речь, личность, зрелость, навык, умение, урок, упражнение.

The article discusses the tools for developing conversational skills in primary language classes.

Keywords: speech, personality, maturity, speaker, lesson, exercise.

Нутқ инсон камолотининг муҳим неъматларидан биридир. Нутқини мазмунли, ифодали, таъсирчан ва нозуктаблик билан баён этадиган шахсларни кишилар алқаб нотиклар, сўзамол инсонлар деб атайдилар. Улуғ файласуф Сукрот нотикларни улуғ саркардаларга киёс этади: “Нотиклар кўмондонлардек ўз нутклари билан минглаб кишиларнинг эътиборини қаратадилар”, деб ёзади. Нуткий баркамолик шахснинг жамиятдаги ўрнини тез топишга ва унинг вакилларига таъсир кўрсатишга нутқий маданиятнинг юксаклигига эришдан иборатдир. Бунга эса осонликча эришиб бўлмайди.

Бошланғич она тили дарсларида нутқ равонлигига катта эътибор берилади. Амалга оширилаётган ҳар бир машғулот турларида ўқувчилар нутқини бойитиш, унинг мазмундорлигига эришиш, нутқ баёнида табиат ва жамият ҳақидаги қарашларини аник ахборотлар ёрдамида фикрларини баён этишда муҳим аҳамият берилади. Она тили дарсларида уч хил машқ турларидан фойдаланилади. Бу машқларнинг барчаси нутқ ва кўникма ва малакаларини бойитишга ҳамда ривожлантиришга қаратиласди:

1. Грамматик машқлар. Бу машқлар икки турга бўлинади. Луғавий машқлар ва синтактик машқлар. Луғавий машқлардан сўзларнинг лексик маъноси, ўз ва кўчма маънолари, маънодошлиги, қарма-қарши маънолари талаффузи жиҳатидан фарқланадиган сўз маънолари ўргатилади. Чунончи, уядош сўзларга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Масалан: ноннинг турлари сўралади ва ўқувчилар ҳали англамаган нон турлари ҳақидаги билимлари кенгайтирилади. Ўқувчилар нон турлари ҳакида гапирганда хонаки нон, бўлка нон, кулча ҳакида тасаввурлари бойитилиб, ширмой нон, осиё нон, қаймоқли нон, жizzали нон, гўштли нон, пиёзли нон, Самарқанд нони, бозор кулча нон турлари ҳакида маълумот берилади.

2. Композицион-муаммоли машқлар. Бундай машқларда ҳам ўқувчиларнинг тасаввур доираси кенгайтирилади. Уларнинг нуткида янги сўзлар олиб кирилади. Масалан: 2-синф она тили дарсида сиз хайвонларнинг боласи номларини биласизми-деган саволларга улар: сигирнинг боласи бузок, эчкинининг боласи улок, қўйнининг боласи қўзичоқ, тяянинг боласи бўлалоқ эканлигини баён этдилар. Отнинг боласи тойчоқ эканлигини баён этганда, ўқитувчи бир ёшли от боласи тойчоқ деб номланиши, энди туғилган боласи эса кулун эканлигини баён этади. Шу билан оху боласи, куралай деб номланиши ҳақида ҳам маълумот беради.

3. Ижодий машқлар. Ўқувчиларнинг ижодий қарашларини ривожлантиришга, тасаввур ва тафаккурларини бойитишга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда болаларнинг ўқувчиларнинг нутқ бойлигини ўстириш асос бўлади. Ижодий машқларга ребус, кроссворд, чайнворд, бошқотирмалар билан бир қатор эссе, беш дақиқалик интервьею, баён каби воситалар асос бўлади. Масалан: “Ватан” ребусини бажаришига ўқувчилар даъват этилади. “Ватан” сўзи ёзув тахтасида баланддан пастга қараб ёзилади. Ҳар бир ҳарфига саволларга мос жавоб топиш тошириғи берилади. Саволлар қуидагилар:

1. Республикаизда майдон жиҳатидан катта худуд?

Жавоб: вилоят.

2. Иккинчи ҳарфи “а” билан бошландиган қуш?

Жавоб: кабутар.

3. Йириклик маъносини билдирадиган сўз?

Жавоб: катта.

4. “А” ҳарфи билан бошландиган халқимизнинг машхур шоири?

Жавоб: Абдулла Орипов.

4. Олтинчи ҳарфи “н” товуши билан қўлланадиган шаҳар?

Жавоб: Тошкент.

Хулоса килиб айтганда, она тили дарсларида ўтказиладиган бундай жинкларнинг хар бири бола нутқига янги сўзларни олиб кириш, нутқ сифати ва самардорлигига эришиш, уларнинг дунёкараши ва тафаккурларини бойитишга хизмат қиласи.

## BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'ZLASHTIRISH JARAYONINING DIDAKTIK ASOSLARI

M.H.Mahmudov, BuxDU professori

Maqolada *boshlang'ich sinf o'quvchilarning ta'lif jarayonida o'quv materialini o'zlashtirishning didaktik asoslari to'g'risida fikr yuritilgan.*

Kalit so'slar: o'zlashtirish, biologik, idrok, ko'nikma, raqobat, tashabbuskorlik, ijodkorlik  
В статье рассматриваются дидактические основы освоения учебного материала учащихся начальной школы.

**Ключевые слова:** овладение, биологическое, познание, навыки, соревнование, инициатива, творчество

The article discusses the didactic basis for the development of educational material for elementary school students.

**Keywords:** mastery, biological, cognition, skills, competition, initiative, creativity.

Bilimlarni o'zlashtirish jarayoni murakkab psixik operatsiyalar bilan bog'liq. Ayniqsa, kichik maktab yoshi o'quvchilarining bilimlarni o'zlashtirish jarayonlari u'ziga xos nozik jihatlari bilan boshqa yosh davrlaridan farq qiladi. Kichik maktab yoshi davri bola hayotida yangi sahifani ochib beradigan bosqich bo'lganligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Bu davrda bolaning faoliyatida ham, munosabatlarida ham, boshqa kishilar bilan munosabatida ham keskin o'zgarishlar ro'y beradi.

Biologik jihatdan bola ikkinchi umumlashish davrini boshidan kechiradi: uarda bog'cha yosh davridagiga nisbatan bo'yining o'sishi sekinlashadi, vazni artib boradi; skelet tizimida suyaklashish jarayoni davom etadi. Muskul tizimi intensiv rivojlna boshlaydi. Qo'l kaftining mayda muskullari rivojlanib borishi tufayli bolada qo'l barmoqlari yordamida nozik harakatlarni bajara olish ko'nikmalari paydo bo'ladi va bolada tezroq yozish malakalari shakllana boshlaydi. Umuman, bola organizmining barcha to'qimalari o'sish holatida bo'ladi.

Kichik maktab yoshida asab tizimi takomillashadi, miya katta yarim sharlari faoliyati rivojlanadi. Bu yoshda bola miyasining vazni deyarli katta kishi miyasining vazni bilan teng bo'ladi, ya'ni o'rtacha 1400 grammgacha bo'ladi. Bola psixikasi tez rivojlanadi. Qo'zg'alish va tormozlanish jarayonlari o'rtasidagi muvofiqlik o'zgaradi: tormozlanish jarayoni biroz kuchliroq bo'ladi, biroq awalgidek qo'zg'alish jarayoni ham yuqori bo'lib, boshlang'ich sinf o'quvchilari yuqori darajada qo'zg'aluvchanligi bilan ajralib turadi. Sezish organlari ishi yana da ravshanlashadi. Maktabgacha yoshdagiga nisbatan kichik maktab yoshida

